Ушбу сонда:

2 *Акциядор қонун ҳимоясида* АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

3 ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ *«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси амалда*

4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ ВАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 май, сешанба №70 (1084)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

МУНОСАБАТЛАР ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 3-5 МАЙ КУНЛАРИ ИККИНЧИ БОР ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН РОССИЯДА МЕҲМОН БЎЛДИ

Ислом Каримов 1998 йилнинг майида давлат ташрифи билан Россияда меҳмон бўлган эди. Бу галгиси, қоидага кўра, расмий ташриф бўлиши керак эди. Лекин Кремль маъмуриятининг ташаббуси билан унга давлат ташрифи мақоми берилди. Аслида эса протокол қоидалари бир мартадан ортиқ давлат ташрифини инкор этади.

Шунда сўзнинг қудрати яна бир бор сезилди. Оммавий ахборот воситаларида бу воқеанинг («расмий» сўзининг «давлат» билан алмаштирилиши) аҳамияти ҳақида кўп гапирилди. Лекин ана шу алмашувга нималар сабаб бўлганлиги ҳақида барибир тўхталиб ўтмоқ керак.

Ислом Каримовнинг Москва сафари чоғида муҳокама этилган масалаларни бир неча қисмга бўлиш мумкин: хавфсизлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳадаги алоқалар. Бу йўналишларнинг ҳар бири анъанавий десак, хато бўлмайди. Ўзбекистон-Россия муносабатлари ҳамиша уларни ўз қамровига олиб келган. Фарқ шундаки, замон тақозоси, ўзгариб бораётган шарт-шароит, халқаро майдондаги мураккаб жараёнлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янги мазмун билан бойитмоқда. Бу муносабатларда беш-ўн йил бурунги зўракилик ўрнини самимийлик эгаллади.

Ҳозирги шароит икки мамлакатнинг хавфсизлик масалаларида яқин ҳамкор бўлишини тақозо этмоқда. Афғонистондаги вазият нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки бутун дунё аҳлининг бошини қотириб турибди. У ерда контрабанда йўли билан жаҳонга тарқатилаётган жамики наркотик модданинг 75 фоизи ишлаб чиқарилади. Афғонистон террорчиларнинг маънавий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ёрдамга айланган. Президент Ислом Каримов у ердан жаҳонга тарқалиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдид ҳақида мустақиллиқнинг илк йилларидан бошлаб огоҳ этиб келади. Афсуски, муаммонинг кўлами анча кеч англаб етилди. Масалан, АҚШ ўзининг Кения ва Танзаниядаги элчихоналаридаги портлашлар, «Коул» ҳарбий кемасидаги қўпорувчиликни бошидан кечирди. Шундан кейингина жаҳон террорчиларининг бош ҳомийси Усама бин Лодинни астойдил қидиришга тушди. Уни ўз паноҳига олган «Толибон»га нисбатан турли тақиқлар жорий қилинди. Ривожланган Европа ҳам Афғонистон масаласида қатъий фикрга келишга унчалик шошилмаётган эди. Наркобизнесга оид статистика, толибларнинг ваҳшийликлари, Будда ҳайкалларининг бузилиши, Болқондаги нотинчликлар, ниҳоят бу қитъани ҳам хушёр торттира бошлади.

Таъкидланганидек, Ислом Каримов воқеаларнинг бундай ривожланишини бир неча йил олдин башорат қилган эди. Лекин «узоқ хориж» у ёқда турсин, Марказий Осиё ёки МДҲ доирасида ҳам Афғонистондан чиқаётган таҳдидга қарши чора сифатида баландпарвоз гаплару иш бермайдиган ҳужжатлар имзолашдан нарига ўтилмади. Диний экстремизм, террор, наркотик моддалар ва қуроллар контрабандасининг қулочи кенгайиб, Афғонистондан анча олисда, анча қудратли давлатлар ҳудудида ҳам асоратлари сезила бошлагандагина кўпчилик ғимирлаб қолди. Хусусан, Россияда ўчириш жуда қийин кечаётган уруш ўчоғи пайдо бўлди. Чеченистондаги воқеалар аслида «аксилтеррор операцияси» деган қолипга сиғмайди. У бутун дунё бўйлаб яширин илдиз отган улкан кучга қарши кураштир. Бу илдиздан куч олаётганлар турли ғояларни ниқоб қилиб, Европаю Осиё, Африка ва ҳатто Америкада ҳам ўзининг ваҳшиёна ҳаракатларини амалга оширяпти. Болқон ва Чеченистондаги урушлар, шунингдек, ўтган йиллари Боғкен ва Сурхондарёда кечган воқеалар шаклан турлича кўринса-да, моҳиятан бир хиллиги, аслида ягона занжирнинг ўзаро боғлиқ халқалари эканлигини тушуниб етиш қийин эмас.

Ўзбекистон ва Россиянинг ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганига асосий сабаб бир неча таркибий қисмдан иборат бўлган ана шу тизимга қарши кураш заруратидир. Россия ҳарбийларимизга тунда кўриш мосламалари, тоғли, ўрмонли ҳудудларда жанг қилиш учун техникавий воситалар беряпти. Ўзбекистон эса унинг жанубий сарҳадларига кириши мумкин бўлган хавфга тўсиқ бўлиб турибди.

Шу боис Президентимизнинг бу галги Москва сафари чоғида ҳарбий соҳага оид қўшма ҳужжатлар сони яна биттага кўпайди. Давлат чегараларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди. Уни тайёрлаш чоғидаёқ амалда қўллашнинг аниқ чоралари ишлаб чиқилган эди. Бу эса амалий ҳаракатлар тобора фаоллашаётганини кўрсатади.

Иқтисодий муносабатларга келсак, икки мамлакатда ҳам юзлаб қўшма корхоналар ишлаётгани, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетгани эътиборга молиқдир. Лекин томонлар бир овоздан бундан қониқиш ҳосил қилиб бўлмаслигини тан олди. Гап шундаки, савдо-иқтисодий муносабатларимиз имкониятларимиз даражасида эмас, ҳатто баъзида замонавий руҳдаги алоқаларга мос келмайди. Масалан, Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, Россиянинг нефт-газ соҳасида ишлайдиган компаниялари Марказий Осиёга келгани йўқ. Ваҳоланки, бу ерда улкан энергетика захиралари мавжудлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон учун, қўшни давлатлар учун бу захираларни ўзлаштиришда кучли шериклар билан иш кўриш маъқул.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Гўзал ва бетакрор юртимизнинг сўлим гўшаси - Жиззах заминида катта муваффақият билан ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир натижаси экани бизга алоҳида ғурур-ифтихор бахш этади. Бу спорт анжумани нафақат биз - мусобақа иштирокчилари, балки бутун мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мазкур мусобақалар Сизнинг «Болаларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак» деган даъватингиз бугунги ҳаётимизда тобора амалий қиммат касб этиб бораётганини яна бир карра бутун дунёга намойиш этди. Бундай меҳрибонлик учун Сиздан бениҳоя миннатдормиз.

Ёшликка хос шижоат ва гўзаллик байрамига айланиб кетган спорт ўйинларида биз ўз кучимиз ва маҳоратимизни намойиш қилар эканмиз, юрт меҳри, Ватан ишончи инсон учун ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас эканини чуқур ҳис этдик. Жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бир поғона ўсдик, улғайдик. Шунинг ўзи биз учун энг катта ғалабадир.

Ишончимиз комилки, Сизнинг ташаббусингиз билан ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақалари хайрли анъанага айланиб, мард, фидойи ва олижаноб инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу йўлда дастлабки қалдирғочлар бўлиш бахти бизга насиб этганидан ғоят бахтиёрмиз.

Биз бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчилари.

2001 йил 5 май,
Жиззах шаҳри

Жиззахда 1-«Баркамол авлод» спорт мусобақалари якунланди

ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Паркентда, қуёш тафтида ёндирилган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари машъаласи Жиззах шаҳрида республикамиз ёшларини ғалабага чорлаб, бир ҳафта давомида порлаб турди. Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқувчи-ёшларнинг спорт мусобақалари поёнига етди.

5 май куни Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» марказий ўйингоҳда «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Майдондан спортнинг етти тури бўйича ўтказилган мусобақаларда олтин, кумуш, бронза медали соҳиблари бўлган ёшлар саф тортиб ўтадилар. Уларни йиғилганлар олқишлайдилар.

«Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ўтказувчи республика ташкилий қўмитаси раиси, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Жуманазар Ҳусанов навбатдаги мусобақа эстафетаси Қашқадарё вилоятига топширилганлигини маълум қилар экан, мазкур спорт ўйинларини ташкил этишда алоҳида хизмат кўрсатган Жиззах вилояти ҳокимлиги, республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ҳомийлар, барча оммавий ахборот воситалари ходимларига ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов номига «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчиларининг мурожаатномаси қабул қилинди.

Жамоалар бўйича совринли ўринларни эгаллаганларга «Дамас», «Тико» енгил автомашиналар калити топширилди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи, наманганликлар иккинчи, Тошкент вилояти ёш спортчилари эса учинчи ўринни эгаллашди.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари байроғини жиззахлик ёшлардан қашқадарёлик ёш спортчилар қабул қилиб олишди.

Спорт байрамининг ёпилиш маросими иштирокчилари республикамизнинг таниқли санъаткорлари ижросида концерт томоша қилдилар.

Спорт мусобақаларининг етти тури бўйича ғолиб жамоалар кўрсаткич натижалари қуйидагича бўлди:

(Давоми 4-бетда).

7 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳининг раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова бошқарди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Мажлисда парламент сессиясига тайёргарлик кўриш бўйича олиб борилаётган ишларга якун ясалди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари А.Аҳадов, Ў.Ҳошимов ва И.Кочмарик сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида етказилганлигини маълум қилдилар.

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар ҳақида ахборот бердилар, сиёсий партиялар фракциялари, сайловчилар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклиф ва мулоҳазалар тушганлигини билдирдилар. Ушбу таклиф ва мулоҳазалар Олий Мажлис қўмиталарида синчковлик билан ўрганиб чиқилмоқда ва иш жараёнида ҳисобга олинмоқда.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида, экспертлар гуруҳларида олиб борилаётган қонунчилик ишлари республика оммавий ахборот воситалари орқали, телевидение ва радиода кенг ёритилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Айни пайтнинг ўзида депутатларга ташкилий-техникавий хизматлар кўрсатиш, сессия кунларида улар самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан олиб борилаётган ишларни жонлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда қонун ҳужжатларининг лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушган таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқиш, парламент иши самарали бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Туркияда Ахмед Комерт хотирасига бағишланган бокс бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 31 мамлакатдан 236 нафар чарм қўлқоп устаси иштирок этди.

Ҳар йилдагидек, ўзбекистонликлар ушбу мусобақалардан мукофотлар олиб қайтишди. Ҳамюртларимиз Туляшбой Дониёров, Ўткир Ҳайдаров, Рустам Саидов ва Руслан Чагаев олтин медалларга сазовор бўлишди. Шерзод Ҳусанов эса кумуш медални қўлга киритди.

Жамоа ҳисобида мамлакатимиз боксчилари биринчи ўринни эгаллашди.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Апрел ойининг охирида Андижонда бошланган «Фьючерс» халқаро теннис турнирида 14 мамлакатдан ташриф буюрган 32 нафар ракетка устаси иштирок этди. Турнирда республикамиздан ҳам тўрт нафар спортчи қатнашди.

Ушбу мусобақаларда индонезиялик С.Суванди ғолиб чиқди. Ҳамюртимиз Олег Огород иккинчи ўринни эгаллади. Жуфтликлар баҳсида Жордан Кер (Австралия) ва Томас Кетола (Финляндия) ғалаба қозонишди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида халқ чолғу асбоблари ансамбли ва оркестрларининг «Тошкент баҳори-2001» биринчи халқаро фестивали очилиши олдидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун анжуман ўтказилди.

«ТОШКЕНТ БАҲОРИ» ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда маданият ва маънавиятни, жумладан, мусиқа санъатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри ташкил этаётган халқаро мусиқа анжумани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Мазкур жамоа раҳбари ва дирижёри Ф.Абдураҳимова анжуманда сўзга чиқиб, кейинги йилларда ансамбль Германия, Франция, Миср каби мамлакатларда бўлиб, миллий мусиқамиз кечалари ўтказганини алоҳида таъкидлади. «Тошкент баҳори-2001» фестивалининг мақсади эса шинавандаларни мусиқанинг ушбу соҳалари бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам эришилган муваффақиятлар билан таништиришдан иборатдир. Шунингдек, фестиваль доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида мусиқа кечалари, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ва Тошкент Давлат консерваториясида ижодий учрашувлар, ўзбек халқ миллий чолғу асбоблари кўргазмаси ташкил этилади.

10-15 май кунлари бўлиб ўтадиган мусиқа фестивалида Франция, Индонезия, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг таниқли халқ чолғу асбоблари оркестри ва ансамбллари иштирок этади. Тадбир доирасида «Чолғучилик маданияти: анъаналар ва ҳозирги замон» мавзуида давра суҳбати ўтказилади.

(ЎзА).

Шу йилнинг 12-13 май кунлари Россиянинг Тверь шаҳрида Ўзбек кураши бўйича ўсмирлар ўртасида иккинчи марта жаҳон биринчилиги ўтказилади.

ТВЕРДА ЎЗБЕК КУРАШИ

— Маълумки, ўтган йилнинг май ойида Россиянинг Тверь шаҳрида Ўзбек кураши ўсмирлар ўртасида биринчи жаҳон биринчилиги ўтказилган эди, - дейди «Кураш» ассоциациясининг матбуот котиби Зулҳумор Рўзиева «Туркистон-пресс» мухбирига. Беллашув анъанавий тус олаётир. Хусусан шу йилнинг 12-13 май кунларида Тверь шаҳрида ўтказиладиган баҳслар фикримизнинг далилидир.

З.Рўзиеванинг таъкидлашича, биринчиликни ўтказишдан асосий мақсад, Ўзбек курашини жаҳон миқёсида янада ривожлантириш, кучли полвонларни кашф этишдир. Мусобақаларда 1985-87 йилларда туғилган 42, 46, 50, 55, 60, 65, 71, 77 килограмм ва ундан юқори вазндаги ўсмир ва 48, 52, 57, 63 килограмм ва ундан юқори вазндаги қизлар ўзаро беллашадилар. Жаҳон биринчилиги халқаро кураш қоидалари асосида ўтказилади.

Ушбу мусобақада жаҳоннинг 20 га яқин давлатларидан кучли полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Бу курашимизни дунё халқлари олдида яна бир бор намоён этишда муҳми қадам бўлишига ишончимиз комил. Ҳадемай барча кураш ишқибозларининг назари Тверда бўлиб ўтадиган полвонлар баҳсига қаратилади. Мустақиллик туфайли Ўзбек кураши жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

МУНОСАБАТЛАР ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

(Боши 1-бетда)

Қудратли давлат ўз компаниясини ҳимоя қилиш билан бирга, бевосита бизнинг хавфсизлигимизни таъминлашда ҳам иштирок этади. Шу боис ҳам Ўзбекистон минтақамизда Россиянинг иқтисодий фаоллашуви тарафдори эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан бир неча бор таъкидланди. Ягона шарт тенглик асосидаги шерикликдир. Шунда ҳам иқтисодий фойда олинади, ҳам давлатлараро муносабатлар ривожланади.

Москвадаги музокараларда иқтисодий муносабатлар муҳокама этилар экан, Ислом Каримов Россия томонига қўшма корхоналарни кўпайтириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашиш орқали ҳамкорликни кучайтиришни таклиф этди. Бу фикр тўла қўллаб-қувватланди.

Икки мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги алоқалари жадал ривожланмоқда. Рассомларнинг кўргазмалари, театр жамоаларининг гастроллари, олимларнинг ҳамкорлиги, шифокорларнинг борди-келдилари давомли тус олган. Айниқса, илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар диққатга сазовор. Президентимиз Россиядаги бир неча нуфузли илм масканларининг фахрий аъзоси бўлди, мукофот ва унвонлари билан тақдирланди. Ислом Каримов - Москва давлат университетининг (МДУ) ҳам фахрий профессори.

Бу ерга ташриф чоғида ректор Виктор Садовничий ва бошқа мураббийлар Ўзбекистон таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлардан ҳайратга тушганини айтди. Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасидаги ишлар, «Умид», «Устоз» жамғармалари тузилгани, энг муҳими, Ўзбекистонда таълим соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизи баробарида маблағ ажратилаётганидан ҳайратланмай илож йўқ.

В.Садовничий таълим соҳасига бирор давлат раҳбари Ислом Каримовчалик эътибор бермаганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Кадрлар малакасини оширмай, янгича фикрлайдиган авлодни воягa етказмай порлоқ келажак қуриб бўлмайди. Ўзбекистонда таълим тизими жиддий ислоҳ этиляпти. Илгари йигит-қизлар 18 ёшга киргандагина касб танлашга киришган бўлса, ҳозир уларнинг тенгдоши бир ё бир неча ҳунарга эга. Ёшларимиз ривожланган мамлакатдаги нуфузли илм масканларида таҳсил оляпти. Бу ислоҳотлар вақти келиб улкан ўзгаришларга олиб келишига шубҳа йўқ.

Ҳар аудиториясига бир дақиқадан кирибчиқиш учун 80 йил талаб этиладиган МДУ Ўзбекистон олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Миллий университетимиз билан яқин ҳамкорлик қилади. Айни вақтда унинг ташаббуси билан ўзбекистонлик ўқувчилар олимпиадада иштирок этяпти, олий ўқув юртларимизнинг ректор ва проректорлари МДУда малака оширяпти. Университетдаги учрашувда бундай алоқалар кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия сафарининг яна бир муҳим воқеасига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ислом Каримов Москва ҳукумати раиси Юрий Лужков билан учрашди. Учрашувдан сўнг унинг ҳамроҳлигида «Москва Сити» мажмуига борди. У ерда мажмуанинг ўзи, қурилишлари билан танишди ва айни пайтда бир гуруҳ москвалик ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Ислом Каримов шаҳарни давлат ичидаги давлатга қиёслар экан, Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг у билан бевосита алоқаларини ривожлантириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Москва йирик саноат марказидир. Биргина «Москва Сити» мажмуини мисол келтирсак. Бу ерда 27 қаватли улкан бино қуриб битказилди, ёнида эса машҳур «Останкино» телеминорасидан ҳам баландроқ иккита осмонўпар иншоот бунёд этилмоқда. Улар Европадаги энг баланд бинолар бўлади. Мажмуа эса ўз номи билан («сити» инглизча «шаҳар» дегани) катта бир шаҳарга айланади. Унда бизнес-марказ, маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларига мўлжалланган жойлар, қўйингки, шаҳар ҳаётида учрайдиган ҳамма нарса бўлади.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримовнинг Россияга иккинчи давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган эҳтиром ва самимият Россияда Ўзбекистонга муносабат тубдан ўзгарганидан далолатдир. Президент қаерда, ким билан учрашмасин, кўтаринки кайфиятнинг гувоҳи бўлди. Ҳукумат раиси Михаил Касьянов «ташрифингиз ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизнинг катта белгиси, биз Ўзбекистонни стратегик ҳамкор, деб биламиз, сўнгги вақтларда алоқалар кучайди, муносабатларимиз стратегик ҳамкорлик хусусиятини олаётгани яққол намоён бўлмоқда», деди. Президент Владимир Путин эса, мазкур ташриф муносабатларимизни янги босқичга кўтарадиган ғоят кучли омил бўлишини таъкидлаб, мулоқотлар самимий кечгани ва кутилганидан ҳам кўп фойдали келишувларга эришилгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Россия оммавий ахборот воситалари - алоҳида мавзу. Жамоатчилигимиз ҳам илк бор Ўзбекистон Президентининг ташрифига бу қадар катта эътибор берилганига гувоҳ бўлди. Телерадио каналлари, саноқсиз газеталар ташрифни мунтазам равишда ёритиб борди. Бу эса Россия ҳукумати ва жамоатчилигида Ўзбекистон билан алоқани кучайтиришга интилиш ғоят кучли эканлигидан дарак беради.

Сўзимиз сўнггида президентлар имзолаган қўшма баёнотдан бир жумлани келтирмасдан ўтолмадик. Унда «икки мамлакат том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, бирбирининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида муносабат қуриш борасида яқдил қарорга келгани» таъкидланади. Бинобарин, Ислом Каримовнинг ташрифи ўзаро алоқаларимизни янги ривожланиш палласига олиб киради ва муносабатларимизни янги мазмун билан бойитади, дейишга барча асос бор.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент.

Ижтимоий ҳимоя

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

меҳнаткаш таянчи

Бозор иқтисоди шароитида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишда жамоа шартномаларининг ўрни беқиёсдир. Шу боис жорий йилда бу меъёрий ҳужжатни тузишда ишчи-хизматчилар томонидан билдирилган таклифлар, мулоҳазалар инобатга олинди. Унга қўшимча бандлар киритилди.

Хусусан хотин-қизларга, нисбатан мураккаб шароитда ишлаётган кишиларга, фахрийларга алоҳида имтиёзлар яратилди. Соҳа ходимларининг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Уруш қатнашчилари алоҳида меҳрибонлик билан қуршаб олинган. Бирон-бир тадбир улар иштирокисиз ўтказилмайди. Табаррук инсонларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 600 минг сўм сарф қилинади.

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан ўтказилаётган тадбирларимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, замонамиз қаҳрамонлари билан йигит-қизлар учрашувлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар йигит-қизларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътиборлиси шуки, жонли мулоқотлар жараёнида баъзи муаммолар ўз ечимини топаяпти. Янги иш ўринлари яратиш юзасидан қимматли таклифлар ўртага ташланяпти. Яқинда 40 нафар уруш ва меҳнат фахрийси гўзал Самарқанд шаҳрига саёҳат қилдилар.

Жамоа шартномасида оналар ва болаларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатиш хусусида бандлар бор. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни - 1 июнда суюкли фарзандларимизга 600 минг сўмлик совға-саломлар топширилади. Болалар оромгоҳларини мавсумга пухта тайёрлаш учун 45 миллион сўм ажратилди. Ёз мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун қўшимча имкониятлар ишга солинмоқда.

Қуйи бўғинларда бўлганимда, одамларга синчков назар ташлайман. Уларнинг кайфияти, турмуш тарзи, иш жойларида яратилаётган шароитлар билан яқиндан танишаман. Шунда кўпмиллатли кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат кучаяётганлигини сезиб, дилдан қувонаман. Меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Шу ўринда ҳаётий бир мисол. Кутилмаганда Жарқўрғон туман электр тармоқлари идораси ишчиси Э.Искандаров бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолди. Унинг тўрт нафар фарзанди, умрдоши ёлғизлатиб қўйилмади. Бу оилага Сурхондарё электр тармоқлари бошқармаси ҳамда туман бўлинмаси 125 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. Тармоқ касаба уюшма қўмитамиз эса Э.Искандаровни вилоят кўз касалликлари шифохонасига ётқизиб, уни операция қилиш учун зарур бўлган 40 минг сўм маблағни тегишли ҳисоб рақамига ўтказди. Ногирон ишчига Тошкент шаҳридаги энг яхши сиҳатгоҳлардан бирига йўлланма ажратилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, барча ерда ҳам жамоа шартномасига, унинг аҳамиятига етарли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бу ишловчилар кайфиятига, эришилаётган натижаларга салбий таъсир ўтказмоқда. Шартнома шартлари қандай бажарилаётганлиги атрофлича муҳокама қилинаётган йиғилишларимизда масъулиятни ҳис этмаётган, боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётган кишилар фаолиятига муносиб баҳо бериляпти. Ютуқларни мустаҳкамлаш, баъзи камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланяпти.

М.АНОРОВ,
Сурхондарё вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ДЕПУТАТЛАР ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Олий Мажлис депутатлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Бухоро гарнизони ҳарбийлари ҳузурида бўлди.

Улар солдат ва офицерларнинг хизмат ва дам олиш шароитлари, ўқув машғулотлари хоналари билан танишди.

Олий Мажлис депутатлари мамлакат парламенти томонидан Ўзбекистон Қуролли Кучларини Ватанимиз осойишталигининг қудратли посбонига айлантириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, ўлкамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик дастурлари хусусида ҳарбийларга сўзлаб берди. Ўз навбатида ҳарбийлар ҳам Ўзбекистонни кўз-қорачиғидек асрашга, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан мудофаа қилишга тайёр эканликларини билдирди.

Шу куни ҳарбийлар кутубхонасига вилоят ҳокимлиги 110 минг сўмлик китоб совға қилди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

МУНОСИБ СОВҒА

Андижонда фаолият кўрсатаётган «Ҳамкорбанк»да ижтимоий-маиший мажмуа фойдаланишга топширилди. Унда 110 ўринли ошхона, беш минг китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, тиббиёт пункти ҳамда қироатхона мавжуддир. Ушбу мажмуада барча хизмат кўрсатиш хоналари замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Шунингдек бу ерда йирик мижозлар билан учрашувлар, музокаралар олиб бориладиган зал ва дам олиш хоналари ҳам ишга туширилди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий» ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 24 июлдаги қарорига мувофиқ, - мустақиллик, истиқлол ғояларини, миллий маънавият, тарихий қадриятларимизни урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш мақсадида банк бошқаруви қарори билан «Ҳамкорбанк» бошқарув раисининг «Маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари» штати жорий этилди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига банк бошқаруви раисининг муовини Расулжон Мухторов.

Р.Мухторовнинг таъкидлашича асосий эътибор банк ходимларини миллий қадриятларга ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш жаҳон илм ва маданият хазиналарига ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг илмий ва ҳаётий қарашларини кенг тарғиб қилиш, мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танита оладиган ёшларни камол топтиришга қаратилаётир.

Йўл қурмоқнинг савоби икки дунё саодатига тенгдир, дейди донолар. Қўқон Норбоев ана шундай савобга дахлдор, эл олқишлаган инсонлардан. У 25 йилдан бери Яккабоғ автомобил йўллари бошқармасида тракторчи бўлиб ишлайди. Унинг фидойилиги, бевосита иштироки билан қанча йўллар равон, кўнгиллар равшан бўлди. У ҳар гал шуни ўйлаганда қалби фахр туйғулари ила жўшади. Янада самаралироқ ишлашга, одамларга кўпроқ наф келтиришга ошиқади.

Суратда: Қўқон Норбоев янги йўл қурилишида.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

«МОТАМСАРО ОНА»

пойида гуллар

Ҳар бир даврнинг, замонанинг ўзига хос рамзлари бўлади. Республикамиз пойтахтининг Мустақиллик майдонида, мангу олов қаршисида қад ростлаган «Мотамсаро она» ҳайкали иккинчи жаҳон урушида ўз жигарларидан, дилбандидан жудо бўлган жафокаш ўзбек оналарининг тимсолидир. Гоҳо «Бу ҳайкалнинг андозаси кимдан олинган?», деган савол ўртага ташланади. Ушбу мақолада кўпчиликни қизиқтирган юқоридаги масала хусусида гап боради.

«Мотамсаро она» скулптурасини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, амаки-жиян Илҳом ва Камол Жабборовлар яратишган. Ҳайкалда асосан Илҳомжоннинг ўз онаси, Камолнинг эса катта бувиси Рузвон ая қиёфаси акс этган.

— Бизга «Мотамсаро она» ҳайкалини яратиш вазифаси топширилганида, энг аввало муштипар онам кўз ўнгимда гавдаланди, - дейди Илҳомжон. - Уруш йилларида катта акамнинг ўлими тўғрисида «қорахат» келганида, онаизорим худди шу ҳайкалда акс этгани каби ўйчан, мунгли, ўта маъюс ҳолга тушган эди. Назаримда, қисқа вақт ичида у янада қариб, мункайиб қолгандек туюлди. Фарзанд доғида куйган волидаи меҳрибонимизнинг ички туғёни, ўртанишлари вужудимни қамраганди.

Вақт энг яхши табиб, деб бекорга айтишмас экан. Рузвон ая бошқа ўғиллари бағрида фаровон ҳаёт кечирди, кўпдан-кўп орзуларига эришди. Фарзандларининг камолини кўриб, дилдан қувонарди. Уларнинг бири — Султон Жаббор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, болаларнинг севимли шоири. Илҳомжон эса таниқли ҳайкалтарош. Ўз касбининг устаси бўлмиш бу ажойиб инсон Камолжон билан биргаликда республикамиз гўзал хиёбонида улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг от устидаги улуғвор ҳайкалини яратиш бахтига мушарраф бўлди. Шунингдек, соҳибқироннинг Самарқанд ва Шаҳрисабзда, Жалолиддин Мангубердининг Хоразмда қад ростлаган ҳайкаллари ҳам Рузвон ая фарзандларининг ижод маҳсулидир.



Она ўзи таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида энг яхши кунларни кўрди, эъзоз топди. Афсуслар бўлсинким, яқинда у 94 ёшида оламдан кўз юмди. Табаррук инсонни барча Тўйтепа қишлоғи аҳли сўнгги йўлга кузатдилар.

Илҳом Жабборов шундай ҳикоя қилади:

— Икки йил муқаддам онам болалар «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйишаётганини телевизорда кўриб: «Ахир, ҳар байрамда гул қўйишади, чарчаб қолишмайдими набираларим! Билиб қўйишсин, биз — оналар уларни жон-дилимиздан яхши кўрамиз, Яратгандан уларнинг камолини сўраймиз», дегандилар.

Бу сўзларда ҳақиқий ўзбек оналарига хос мунис меҳрибонлик, бағрикенглик акс этган. Оналаримиз ҳамиша барҳаёт. Уларни ҳар қанча эъзозласак, порлоқ хотиралари олдида таъзим бажо айласак барибир оз.

Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Акциядор қонун ҳимоясида

АДОЛАТНИНГ ТИКЛАНИШИ

Карши туманининг Хитойкенти қишлоғида яшовчи Рустам Бозоров 1999 йил декабр, 2000 йилнинг январ ойларида 1995 йилда очиқ савдога қўйилган ва беш йил давомида сотилмай турган — хўжаликлараро бўрдоқичилик очиқ хиссадорлик жамиятининг 32 фоиз акция пакетини Тошкент фонд биржасидан сотиб олган эди. Лекин унинг 2000 йил 6 июндаги акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномаси ойлар мобайнида бажарилмай келди.

...Ва ниҳоят узоқ давом этган тортишувлар, ёзув-чизувларга нуқта қўйилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви, вилоят ва туман судларининг одилона қарорлари туфайли 2001 йил 5 апрел куни ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши чақирилиб, тажрибали мутахассис Рустам Бозоров жамият раислигига сайланди.

Оворагарчиликларнинг сабабчилари кимлар? Жамият кузатув кенгаши ва унинг раиси Н.Нишонбоев Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларини яхши била туриб, уни бажаришдан ўзини четга олди. Натижада масалага қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика маркази аралашиб, ўзининг 2000 йил 21 ноябрдаги қарорига асосан қатъий чоралар кўрди. Қарши туман хўжаликлараро акциядорлик жамиятига Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддаси 5-бандига асосан қоидабузарликларни тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари, яъни 245 минг сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқ бартараф этилди. Бозор талабларини тўғри тушунган туман ҳокимлиги, вилоят гўшт-сут саноати ҳиссадорлик жамияти акциядорларни қўллаб-қувватлашди.

Аслида кузатув кенгаши аъзоларининг лоқайдлиги, масаланинг вақтида ҳал этилмаганлиги жамият фаолияти учун қимматга тушди. Йилнинг биринчи чораги 3 миллион 100 минг сўмлик зарар билан якунланди.

Икки институтни битирган, касби муҳандис-механик ва иқтисодчи бўлган Рустам Бозоров турли ташкилотларда ишлаган, ислоҳот талабларини яхши билган мутахассис.

— Жамиятимизнинг умумий мол-мулки 22 миллион 646 минг сўмни ташкил этади, — дейди Р.Бозоров. — Шундан 7 миллион 473 минг сўмлик акция пакетини сотиб олганман. Кўп сарсону саргардонликдан сўнг ҳақиқат тикланиб, адолат қарор топди.

Ҳозирги пайтда хўжаликда 765 бош қорамол, 1500 бош майда мол боқилмоқда. Бизнес-режага кўра 163 миллион сўм даромад олиниши керак. Бунинг 30 миллион сўми соф фойда бўлиб, акциядорларга дивиденд сифатида тарқатилади.

— 1 миллион сўм маблағни ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, кам даромадли оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва меҳрибонлик уйларига ёрдам бериш учун ажратамиз, — дейди жамият раиси.

Рустам аканинг ташаббуси билан Хитойкенти маҳалласидаги 2 та кўча асфальтланди, 1 километр масофага табиий газ қувурлари тортилди. У ўз ҳисобидан икки нафар уруш қатнашчисига ойма-ой моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, қишлоқдаги қабристонни ободонлаштириш, 1 гектарлик боғ барпо этилишида бош-қош бўлди.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб бормоқда. 290 гектар майдонда беда, 50 гектарда оралиқ экин, 70 гектар майдонда ғўза, 220 гектарда ғалла ўстирилмоқда. Пахтанинг ҳар гектаридан 35 центнердан, ғалладан 40 центнердан хирмон кўтариш, 3 минг тонна сенаж, 2 минг тонна дағал хашак жамғариш, шартнома бўйича давлатга 260 тонна гўшт етказиб бериш учун фидокорона меҳнат авжида.

Биз акциядорлар кузатув кенгашининг аъзоси, тракторчи Руйиддин Раупов, Ўктам Эргашев, ҳайдовчи Аҳад Ҳусенов, чўпон Бекмурод Очилов ва бошқалар билан суҳбатлашганимизда улар ҳам ҳақиқат қарор топганлигидан мамнун эканликларини, ҳиссадорлик жамиятининг иши ривож топишига ишончлари комил эканлигини билдирдилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат!

ҚАЛБИ ҚУЁШ КИШИЛАР

Нишон туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалиги раҳбари Холмурод Бердиев номига вилоят ногиронлар жамияти раиси А.Жабборов, масъулияти чекланган ногиронларга кўмаклашиш учун «Ўлмас ёдгорлик» жамияти раиси Қ.Мирзаевдан ташаккурнома келди.

«Президентимиз фармони, ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб биз каби ногиронларга, саховат ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганларга меҳрибонлик кўрсатиб тақдим этганингиз 400 минг сўмлик кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари учун самимий ташаккур билдирамиз, ишларингизга омад тилаймиз».

Миннатдорчилик сўзлари битилган бундай мактубларни жамоа аъзолари Қарши шаҳар Меҳрибонлик уйи директори Г.Раҳмонова, вилоят марказидаги ақли заиф болалар уйи раҳбари Ш.Ражабов, Шаҳрисабз Мурувват уйи директори З.Тошматова, Яккабоғдаги «Саховат» қариялар уйи бошлиғи Қ.Холиқовлардан ҳам олдилар.

Ҳақиқатан ҳам жамоа аъзолари ҳар йили ўз маблағлари ҳисобидан ногиронларга хайрия йўли билан ёрдам кўрсатиб инсонийлик бурчларини адо этиб келмоқдалар.

— Ҳозирги пайтда вилоятда 53 мингдан ортиқ ногиронлар бўлиб, уларнинг 25 минг нафари ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилардир, — дейди Қашқадарё вилоят ногиронлар жамияти раиси А.Жабборов. — Аммо улар ёлғизланиб қолмаяптилар. Воҳамиздаги кўплаб ташкилот ва муассасалар томонидан улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилибди.

Меҳрибонлик ва қариялар уйларига «Ўлмас ёдгорлик» жамияти орқали ўсимлик ёғи, гўшт, тухум, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дори-дармон, кир ювиш воситалари, кийим-кечаклар, ўқув қуроллари етказиб берилмоқда. Ҳомийлар томонидан йил бошидан бери ногиронларга 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ажратилди.

— Ногиронлар, беморлар, боқувчисини йўқотганлар, кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож кишилар, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида тарбияланаётган болаларга улашилган совға-саломлар халқимизнинг саховатпешалиги самарасидир, — дейди биз билан суҳбатда «Ўлмас ёдгорлик» жамияти раиси Қ.Мирзаев. — Уларнинг ҳимматидан қўлимиз кўксимизда.

Қашқадарёда олийҳиммат меҳнат жамоалари кўпчиликни ташкил этади. Вилоят «Пахтасаноатсотиш», «Автойўл», Божхона бошқармаси, Ўрмон хўжалиги, Балиқчилик бирлашмаси, «Қаршиёғ», «Косонёғ», «Каштекс» ҳиссадорлик жамиятлари, «Нур» нон ишлаб чиқариш корхонаси каби ташкилотлар шулар жумласидандир.

ЁЛҚИН.

Оила ва қонун

ҚОН-ҚАРИНДОШЛИК, БОЛАЛАРНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан — иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг — учинчи, тоғавачча, амакиваччa, аммаваччa ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

Оила ҳуқуқи юридик фактлар ичида қариндошлик энг асосий ўринларидан бирини эгаллайди. Бири иккинчисидан ёки умумий аждоддан тарқалган шахслар ўртасидаги қондош боғлиқлик қариндошликдир. Аждодлар ва уларнинг эркак ва аёл жинсидаги авлодлари — масалан, катта бобо, бобо, она, ўғил, набира, эвара ва бошқалар — бири иккинчисидан келиб чиққан ҳисобланади.

Умумий аждоддан келиб чиққан деб опа-сингиллар, ака-укалар, амакилар ва аммалар, тоғалар ва холалар, амакиваччалар ва аммаваччалар, тоғаваччалар ва холаваччалар, жиянлар ва бошқалар ҳисобланади.

Қариндошликнинг узоқ-яқинлиги қариндошлик даражасини аниқлаш йўли билан белгиланади. Қариндошлик даражаси — икки қариндош шахсни ўзаро боғлаб турувчи туғилишлар сони, яъни, бошқача айтганда, икки шахс ўртасида қариндошлик вужудга келиши учун зарур бўлган туғилишлар сонидир. Туғилишлар сони ҳисобланаётганда қариндошлик даражаси аниқланаётган шахснинг туғилиши ҳисобга олинмайди. Масалан, она ва ўғил ўзаро биринчи даражали қариндошдирлар. Буви ва набира эса иккинчи даражали қариндошлар ҳисобланади. Чунки набира туғилиши учун олдин ўғил (қиз) туғилиши лозим.

Шарҳланаётган моддaнинг тўртинчи қисмида тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир деб таъкидланди. Бундай таъриф меросхўрларни аниқлашда, қариндошлик даражасини белгилаш қийин бўлган ҳолларда айниқса жуда муҳимдир.

Қариндошликнинг аниқланиши шахснинг қариндошлар қаторига киришини белгилайди, унинг тўғри ва ён шажарага нисбатан ҳуқуқий мақомини акс эттиради. Бу ҳол Ўрта Осиё халқлари учун доимо муҳим маънавий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб келган. Маънавий томондан бу кишининг чексиз туғилишларга асосланган, бир динга эътиқод қилувчи, бир хил анъаналар ва турмуш тарзига ўрганган муайян авлодга тегишли эканлигини англатади. Бир авлодга тегишлилик масалалари тарихий аҳамиятга ҳам эга, чунки улар ўз аждодларини ёдда сақловчи ҳар бир киши учун муҳим бўлган шажара илдизларини акс эттиради.

Оила ҳуқуқида қариндошлар ўртасидаги алоқалар масаласи алоҳида ўрин тутади. Оила Кодекси қариндошлар ўртасидаги муносабатларни меъёрлаб қўйган.

Янгийўл пахта тозалаш корхонаси толани буюртма асосида хорижий мамлакатларга жўнатмоқда. Нозиктаъб, билимдон хорижликлар билан ҳамкорлик эса толани навларга ажратадиган лаборантлардан ўта ҳушёрлик, билим ва тажрибани талаб этади. 23 йилдан бери шу соҳада фаолият кўрсатаётган Раҳима Имомқулова эса ҳамиша аниқ далиллар асосида ишлайди.

Суратда: Раҳима Имомқулова ёш ишчи Бахтигул Мирзатоева билан тола сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга ҳуқуқшунос О.Ғойназаров жавоб беради.

САВОЛ: Штатлар сони қисқариши сабабли ходим ишдан бўшатилган. Икки кундан кейин корхонадаги барча ишчиларнинг иш ҳақлари 20 фоизга оширилган. Ишдан бўшатилган ишчи уч ойдан кейин суд томонидан ўз ишига тикланган.

1. Ишга тикланган ходимнинг мажбурий бекор юрган вақти учун тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи қандай ҳисоблаб чиқарилади?

2. Унинг иш ҳақи ҳам ошириладими?

Ф.ҚЎЛДОШЕВ,
Косон тумани.

ЖАВОБ: 1.Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарори билан «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби» тасдиқланган. Ишга тикланган ходимнинг мажбурий бекор юрган вақти учун тўланадиган ўртача иш ҳақини қандай ҳисоблаб чиқариш ушбу тартибнинг 5-бандида белгиланган. Мазкур бандга кўра, бундай ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календар ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни, ходимнинг ишдан бўшатилган кунга қадар охирги икки календар ойидаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобга олинади. Ходимнинг ишдан бўшатилганидан кейинги даврда унинг лавозим маоши (оклади)да бўлган ўзгариш эътиборга олинмайди.

2. Ходим ишдан бўшатилган кундан ўз лавозимига ишга тикланади. Унинг иш ҳақи эса, корхона ходимларининг иш ҳақлари қайси ишдан қанча миқдорга оширилган бўлса ўша кундан шунча миқдорга (юқоридаги ҳолат бўйича 20 фоизга) оширилиши лозим бўлади.

ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ҳуқуқшунослик фанлари бўйича талабалар олимпиадаси ниҳоясига етди. Ушбу тадбир ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича юқори малакали, илмий изланишлар олиб боришга қодир, она Ватанимизга садоқатли, маънавий етук ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

Олимпиадада республикамизнинг ҳуқуқшунос-ўқитувчилар тайёрлайдиган Ички ишлар вазирлиги Академияси ва бошқа олий ўқув юртларидан юздан ортиқ талаба қатнашди.

Талаба ёшлар Академия тест марказида ҳуқуқшуносликнинг турли соҳалари бўйича тест топшириқларини бажаришди. Мусобақа талабаларнинг ёзма ишлари ва тест синовлари натижалари асосида якунланди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси талабалари биринчи ўринни эгаллади. Тошкент давлат юридик институти талабалари иккинчи, Самарқанд давлат университети талабалари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

АҲОЛИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қурғоқчиликдан зарар кўраётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари яратиш мақсадида 72,2 миллион сўмлик кредит ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига 262 та янги иш ўрини яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қарорига биноан молиявий жиҳатдан танг аҳволда қолган, ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайиб, ишчилар сони қисқариб кетган «Мўйноқ балиқ консерва комбинати» ҳиссадорлик жамиятига 40 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу комбинатнинг яна оёққа туриб олишига, тўла қувват билан ишлашига, қўшимча 400 га яқин ишчини иш билан тамъминлаш имконини беради.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Янги ўқув йили бошлангунга қадар Наманган вилоятининг кўпгина мактабларида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини якунлаш кўзда тутилмоқда. Ушбу ишларни қисқа муддатларда амалга оширишда хомий ташкилотлар ёрдам беради. Вилоят ҳокимининг қарори билан қатор корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг мактабларга оталиқ ёрдамини кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга хомий ташкилотлар катта сарф-ҳаражатларни талаб этадиган бошқа кўплаб масалаларни ҳал этишда ҳам кўмаклашади. «Вилоятгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси Мингбулоқ туманидаги 47-сонли мактабни капитал таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бунинг устига, улар бир марталик ёрдам кўрсатиш билан чегараланиб қолмасликка қарор қилишди. Эндиликда бу мактаб «Вилоятгаз» бирлашмасининг оталиққа олинган мактаблари рўйхатидан жой олди.

Шундай қилиб, янги ўқув йилига жами юзга яқин мактабни тайёрлаш мўлжалланмоқда. Шунингдек, вилоятдаги бошқа мактабларда ҳам ўз кучлари билан ва хомий ташкилотлар кўмагида таъмирлаш ишлари ўтказилади.

Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар болаларини дарсликлар билан таъминлашда ҳам хомийлик ёрдами кўрсатилади.

(ЎзА).

Халқ банкининг Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги маҳаллий бўлими кейинги пайтда аҳоли ўртасида анча обрў қозонди. Унинг омонатчилари сони узлуксиз ошиб бораяпти ва бугунги кунда улар 14,5 минг нафарни ташкил этади. Банкнинг айланма маблағлари унга ўз омонатчиларига дивидендлар тўлаш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, яъни вақтинча ишламаётган шахслар ва вояга етмаганларга нафақа тўлаш учун маблағлар ажратиш имконини беради.

БАНК ОМОНАТЧИЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Халқ банкининг Боёвут бўлими тумандаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, аграр сектор хўжаликлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу ҳамкорлик шартномалар тузиш орқали амалга оширилаётир. Бу эса меҳнаткашларни иш ҳақи билан таъминлаш, бошқа керакли тўловлар ва субсидияларни амалга ошириш, мижозлар билан турли операцияларни бажаришга ёрдам беради.

(ЎзА).

ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Ўтиш даври баъзан олдимизга шундай ўткир муаммоларни қўймоқдаки, уларга бирданига жавоб топиш қийин, албатта. Жавоб эса вақтида берилиши шарт. Бу нарса адолат тарозусида ўлчанган бўлса, янаям яхши.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашда Пойариқ туман прокуратурасида олиб борилаётган ишлар ҳақида юрист Фахриддин Жумаев билан суҳбатлашдик.

Мухбир: — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида республика ҳар бир фуқаросининг ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши ҳуқуқи ўз ифодасини топган...

Ҳуқуқшунос: — Дарвоқе, худди шу асосда 1999 йилнинг 6 май куни республикамизда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бугунги кунларда қонун ижроси юзасидан Пойариқ туман прокуратураси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳафтанинг бир куни прокуратура ходимлари томонидан қабул куни қилиб белгиланди. Бу бир томондан одамларни ортиқча оворагарчиликдан озод қилса, иккинчи томондан кун тартибига қўйилаётган масалаларни жойида, вақтида ҳал этиш имконини беради. Шу йўл билан ўтган йили туман прокуратурасига тушган 436 та ариза ва шикоятларнинг деярли барчасига қаноатлантирарли жавоб қайтарилди. Одамларнинг қувонч ва ташвишларига яқинлашиш фуқаролар томонидан прокуратура органларига ёзилаётган ариза-шикоятлар сонининг бирмунча камайишига олиб келди. Агар ўтган йилнинг биринчи чорагида туман прокуратурасида 71 та хат қайд қилинган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 58 тани ташкил этди.

Мухбир: — Менимча, ариза-шикоятлар камайишининг иккита сабаби бор. Табиийки, биринчиси масалага аризанинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда адолатли ёндошиш, қўйилган ҳаққоний талабларни қаноатлантиришдан иборат бўлса, иккинчиси тўғри жавобдан қочиб, масалага маҳкамачилик юзасидан қараш, охир-оқибатда одамларни идорага адолат излаб келишдан бездиришдир...

Ҳуқуқшунос: — Даврнинг ўзи хатларга, мурожаатларга масъулият ила ёндошишни, жавоблар ҳаққоний ва узил-кесил бўлишини талаб этмоқда. Жавобдан қочиш ёки уни пайсалга солиш эртанги ишимизни қийинлаштиради, холос. Мана бу ҳолатга бир эътибор беринг. Тумандаги «Чурош» ширкат хўжалиги маъмурияти 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолидан тушган аризаларни қайд қилиш дафтарини юритмаган. Тушган аризалар ҳар қаерда тартибсиз ҳолатда сақланган. Бу билан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Табиийки, бу ҳол фуқаролардан юқори ташкилотларга кўплаб ариза ва шикоятлар ёзилишига сабаб бўлган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси амалда

Чунончи, Ўғилой Одилова, Бекзод Юнусов ва Раҳмат Саидовлар хўжалик маъмуриятига пудрат асосида ишлаб топширган буғдойи учун ҳақ ололмаётганлиги тўғрисида бир неча бор оғзаки мурожаат қилишган. Бироқ хўжалик таркибидаги бўлинмалар ўртасида бухгалтерия ҳисоби, молия интизомини режалаштириш, банк операцияларининг тўғри юритилиши ва ўз вақтида бажарилиши таъминланмаган. Бу иш учун масъул бўлган В.Худойназаров «Ширкат хўжалигининг молия ҳисоб маркази фаолияти тўғрисида»ги Низомнинг 3-бўлим 3-бандини бузгани ҳолда маҳсулот учун ҳақ тўлашни асоссиз равишда кечиктириб келган.

Мухбир: — Демак, мурожаатларга бепарволик одамларни юқори ташкилотларга арз қилишга мажбур этган экан, шундайми?

Ҳуқуқшунос: — Ҳа, оқибатда пудратчилар вилоят адлия бошқармасига ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилишган. Шу асосда вилоят адлия бошқармаси томонидан ширкат хўжалиги ҳисобидан пудратчи Ўғилой Одилова фойдасига 89675 сўм, Бекзод Юнусов фойдасига 260695 сўм, Раҳмат Саидов фойдасига 130220 сўм ундириш тўғрисида судга даъво аризалари қўзғатилган. Челак туман суди томонидан даъво қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган ҳамда ижро варақалари бажарувчига ўтган йилнинг 21 декабрида берилган. Хўжалик бош ҳисобчиси В.Худойназаров ижрони зудлик билан уддалаш лозимлигини билгани ҳолда қасддан бажармасдан келган. Мазкур ҳолат бўйича унга нисбатан ЎзР ЖКнинг 144-моддаси 1-қисми, 232-моддасида назарда тутилган жазо чоралари қўлланилди.

Фуқаролардан уй-жой сўраб тушган 55 аризанинг тақдири ҳам шундай кечган. Раис Г.Азимов аризаларни қайд қилдирмасдан «таклиф киритиш учун» деб уй-жой комиссиясига йўллайверган. Аризаларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, комиссия фикрини эшитиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган. Хўжалик ер тузувчиси Қ.Дўнгбоев эса на аризачиларнинг уй-жойга муҳтожлигини ўрганиб хўжалик бошқарувига хулосалар тақдим этган, на фуқароларга жавоб қайтарган.

Шунингдек, хўжалик бош муҳандиси Қаюм Расуловнинг ўтган йил 10 март куни соғлиги ёмонлашгани учун вазифасидан озод этишни сўраб ёзган аризаси котиб К.Солиев томонидан қайд қилинмаган. Кадрлар бўлими бошлиғи Т.Бойзоқов эса ариза мазмунан ҳал бўлиши-бўлмаслиги ҳақида хабар қилишни ўзига эп кўрмаган. Фуқаро Х.Ўролбоевнинг хўжалик раиси номига ёзган аризаси ҳам шу тартибда жавобсиз қолиб кетганлиги маълум бўлди.

Прокуратура текширувидан сўнг хўжалик раиси, котиби, кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда ер тузувчига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Суҳбатдош:
Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда)

1. Теннис бўйича:
Тошкент шаҳри - 15 очко
Наманган вилояти - 13 очко
Жиззах вилояти - 12 очко

2. Волейбол бўйича:
(ўсмирлар)
Навоий вилояти - 15 очко
Фарғона вилояти - 13 очко
Қорақалпоғистон Респ. - 12 очко
(қизлар)
Тошкент шаҳри - 15 очко
Наманган вилояти - 13 очко

3. Кураш бўйича:
(фарғонача усул)
Наманган вилояти - 15 очко
Андижон вилояти - 13 очко
Тошкент вилояти - 12 очко
(халқаро тоифада)
Жиззах вилояти - 15 очко
Қорақалпоғистон Респ. - 13 очко
Тошкент шаҳри - 12 очко

4. Енгил атлетика:
Тошкент вилояти - 15 очко
Наманган вилояти - 13 очко
Самарқанд вилояти - 12 очко

5. Футбол бўйича:
Наманган вилояти - 15 очко
Сурхондарё вилояти - 13 очко
Самарқанд вилояти - 12 очко

6. Сузиш бўйича:
Тошкент шаҳри - 15 очко
Навоий вилояти - 13 очко
Тошкент вилояти - 12 очко

7. Баскетбол бўйича:
Тошкент шаҳри - 15 очко
Тошкент вилояти - 13 очко
Жиззах вилояти - 12 очко

Енгил атлетика, сузиш, белбоғли кураш бўйича мусобақалар 4 май куни якунланиб, унинг совриндорлари аниқланган эди. Уч тур бўйича тошкентликлар 32 та олтин, 20 та кумуш, 15 та бронза, наманганликлар 10 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза, Тошкент вилояти вакиллари эса 7 та олтин, 9 та кумуш, 16 та бронза медал соҳиби бўлдилар. Белбоғли кураш бўйича 50 килограммлик вазнда тошкентлик Ғайрат Худойқулов, 60 килограммлик вазнда фарғоналик Одилжон Меҳмонов, 77 килограммлик вазнда андижонлик Мирзоҳид Зиёевларнинг қўли баланд келган бўлса, югуриш мусобақаларида фарғоналик Данияр Синагатулин, самарқандлик Акобир Мардоновлар ғолиб чиқишди. Сузиш бўйича мусобақаларда тошкентлик ёшлар 1605 очко тўплаб, умумжамоа ҳисобини ғалабага яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари Жиззахда ҳақиқий байрам тусини олди. Жиззах шаҳри, Пахтакор, Ғаллаорол, Бахмал туманларидаги энг яхши спорт иншоотларида бўлиб ўтган мусобақалар спортнинг баскетбол, волейбол, кураш, футбол, енгил атлетика, теннис, сузиш турлари бўйича кучли жамоалар ҳамда иқтидорли ёшлар номини аниқлаб берди.

Юксак дид билан безатилган ётоқхона, ошхона, ҳакамлар хоналари ёш спортчилар ва меҳмонлар билан ҳамиша гавжум бўлди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилди.

Ўзига хос тарзда барпо этилган «Олимпия шаҳарчаси» мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларга манзур бўлди. Айниқса, бу ерда вилоятдаги қирғиз, қозоқ миллий марказлари томонидан уюштирилган маданий хизматлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Дастурга мувофиқ ўтказилган, викторина, учрашувлар, кўнгилли саёҳатлар, бадиий-спорт байрамларидан барча завқ олди.

Биз спорт байрами таассуротлари билан ўртоқлашишни унинг айрим иштирокчиларидан илтимос қилдик.

Ҳикмат Аҳмедов, Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Вилоятимиздаги 67 та билим масканидан 134 нафар ёш спортчимиз ушбу байрамда қатнашиб, учинчи ўринни олдик ва Президент совғаси — «Тико» енгил автомашинаси билан тақдирландик. Меҳнатимиз маҳсулидан хурсандмиз. Меҳмондўст Жиззах халқига ҳамиша омонлик, ишларида омад ёр бўлишини тилайман.

Эркин Юсупов, Чирчиқдаги Олимпия резервлари билим юрти раҳбари:

— Спорт - энг аввало саломатлик манбаи. Ўсмирлар ўртасидаги бундай мусобақа мамлакатимиз миқёсида биринчи бор ўтказилаётган бўлса ҳам, ундан жуда кўп сабоқлар олдик. Мактабларда, энг аввало, жисмоний тарбия дарслари соатларини кўпайтириш зарурга ўхшайди. Маҳаллаларда «Спорт клублари» фаолиятини яхшилаш керак.

Саъдулла Калмухонов, Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси масъул ходими:

— Мусобақаларда 134 нафар спортчимиз иштирок этди. Айниқса, курашнинг халқаро тоифасида 13 очко билан фахрли иккинчи ўринни, волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида учинчи ўринни олганимиз шарафлидир. Биз Жиззахда фақат спорт билан банд бўлмадик, балки меҳмоннавоз одамларининг азиз меҳмонига айландик. Ягона истагим — юртимиз тинч, фарзандларимиз соғлом бўлишсин.

Тоҳир Қодиров, Фурқат тумани касб-ҳунар лицейи талабаси:

— Мен ушбу спорт байрамида енгил атлетика мусобақаларида қатнашганимдан бахтиёрман. Шундай оммавий спорт ўйинлари янада кўпайсин дейман.

Ойбек Мадраҳимов, тренер (баскетбол бўйича):

— Бу ерда энг саралланган ва пухта ҳозирлик кўрган жамоа вакилларини кўрдим. Бизнинг Андижонда ҳам баскетболчи қизларимиз сафи ортмоқда. Қувонарлиси шундаки, уларнинг аксарияти қишлоқдан.

Нигора Исмоилова, Жалолқудуқ иқтисодиёт коллежининг ҳуқуқшунослик бўлими талабаси:

— Спортда кучлиларга тан бермасдан илож йўқ. Тошкент шаҳри, Наманган, Тошкент вилояти ёш спортчиларига қойил! Улардан шахсан мен кўп нарсаларни ўргандим. Ўзим 6 йилдан бери спорт билан шуғулланаман. Баскетбол жону дилим. Бу эса менга ҳар жабҳада қўл келаяпти. Тенгдошларимга ҳам спорт билан мунтазам шуғулланишни маслаҳат қилган бўлардим.

Зуфар Турсунов, Фарғона туманидаги 23-касб-ҳунар мактаби толиби:

— Ғаллаорол тумани менга жуда ёқди. Баҳаволиги билан Шоҳимардон тоғларига ўхшаш экан. Футбол мусобақаларимиз эса курашларга бой бўлди. Спорт туфайли кўплаб дўстлар орттирдим.

Умри Тожиқулова, «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти Жиззах бўлими сотувчиси, байрам иштирокчиси:

— 43 баҳорни қаршилаган бўлсам-да, бундай улкан спорт байрамининг айнан Жиззах шаҳрида биринчи бор ўтказилишига гувоҳ бўлиб турибман. Бундан ёшларимиз жуда катта наф олди. 3 нафар фарзандим спорт билан мунтазам шуғулланишга одатланганидан бошим осмонда.

Ҳа, Жиззахда илк «Баркамол авлод» спорт ўйинлари байрами ана шундай кўтаринкилик билан ўтди.

Абдуманноп АЗИМОВ, Икром ҲАСАНОВ (суратлар), «Ишонч» мухбирлари.

«ҲАВАС» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги «Динамо» спорт мажмуининг теннис кортларида «Ҳавас» олтинчи республика теннис турнири бўлиб ўтди. Бу галги турнирда ҳам аксарияти ўтган йилги «Ҳавас» мусобақаларида қатнашган дипломатик корпуснинг 14 нафар вакили иштирок этди. Якка тартибдаги мусобақаларда иштирок этаётганлар гуруҳи кенгайди. Бу эса Кубок учун мустақил беллашишга қарор қилган теннисчилар маҳоратининг ошганлигидан далолат беради. Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг 27 нафар вакили, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари ўз мухлисларига ажойиб ўйин намойиш этишди. Якка тартибда ўтказилган баҳсларда Миллий Хавфсизлик Хизмати вакили Ф.Турсунов ғолиб чиқди.



Жуфтликлар мусобақасида Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов ва «Телеком» акционерлик компаниясининг Наманган филиали директори О.Носиров яхши натижа кўрсатди. Ушбу баҳсларда 30 нафар жуфтлик ўзаро беллашди.

Анъанага кўра, мусобақалар иштирокчилари учун махсус совғалар таъсис этилди. Галина Саидова ва Светлана Ганчурина «Томошабинлар олқиши» совринини қўлга киритди. «Энг истиқболли жамоа» соврини «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б.Хусанбоев ва «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раисининг ўринбосари Т.Зокировга топширилди. «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси раиси В.Атаевга «Ҳазил-мутойиба туйғуси учун» соврини насиб этди. Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев ва Фарғона вилояти ҳокимлиги котибиятининг бошлиғи Ж.Хўжаев жуфтлигига «Ғалабага интилиш» соврини тақдим этилди. «Ҳавас»нинг фахрийлари - Урганч шаҳар ҳокими В.Юсупов, Хоразм вилояти «Автотехизмат» бошқаруви раиси А.Қутлиевни ҳам эсдан чиқаришмади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокими А.Мирқосимовга «Журналистлар дўсти» соврини топширилди.

«Ҳавас» турнири иштирокчилари ва мухлислар ушбу турнирни бир овоздан энг ёрқин спорт байрами, деб топишди.

(ЎзА).

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Мамлакат чемпионати

КАРВОНБОШИ АЛМАШДИ

Беҳаловат мураббий Юрий Саркисянц мавсум бошидан буён биринчи марта ҳотиржам ухлаган бўлса, ажаб эмас. Ниҳоят, орзу қилинган карвонбошилик қўлга киритилди. Бу - фарғоналиклар «Қизилқум» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратгач ва айни шу турда «Самарқанд-Динамо» меҳмони бўлган «Насаф» ўз дарвозасидан ўтказиб юборган ягона тўпга муносиб жавоб қилолмагач, маълум бўлди.

Энг йирик ҳисоб эса Тошкентда, «Академия» ва «Семурғ» жамоалари ўртасида кечган ўйинда қайд этилди. Олий лига дебютанти ангренликлар дарвозасини саккиз марта аниқ нишонга олган ҳолда, ўзлари бориўғи икки марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур бўлдилар. Бир учрашувда ўнта тўп! Шундай қилиб, «Семурғ» командаси шу кунгача ўз дарвозасидан 21 та тўп олиб чиқиб, бу борада «пешқадамлик»ни қўлга олган «Сурхон» ва «Андижон» жамоалари билан тенглашди. Сермаҳсуллик хусусида гап кетганда, шубҳасиз биз яна турнир карвонбошиси «Нефтчи» клуби номини тилга олмоғимиз даркор бўлади. Жамоа шу кунгача ўз дарвозасидан олтита тўп олиб чиққани ҳолда рақибларини йигирма олти марта шундай кўнгилсиз вазифани бажаришга мажбур этди. Бошқача қилиб айтганда, тўплар нисбатига кўра ҳам фарғоналиклар биринчи.

Турнирнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди:

«Трактор» — «Навбаҳор» — 3:1, «Зарафшон» — «Металлург» — 1:1, «Сурхон» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Андижон» — «Бухоро» — 2:3.

ЎНИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	9	8	1	0	26-6	25
2. «Насаф»	10	8	0	2	20-8	24
3. «Академия»	10	6	1	3	24-13	19
4. «Трактор»	10	6	0	4	18-14	18
5. «Дўстлик»	9	5	1	3	18-12	16
6. «Бухоро»	10	5	1	4	18-15	16
7. «Самарқанд-Д»	9	5	1	3	18-16	16
8. «Пахтакор»	6	5	0	1	17-5	15
9. «Навбаҳор»	9	5	0	4	14-12	15
10. «Қизилқум»	10	4	1	5	7-11	13
11. «Зарафшон»	9	2	3	4	13-12	9
12. «Сурхон»	10	3	0	6	11-21	9
13. «Турон»	9	3	0	6	5-18	9
14. «Металлург»	9	1	4	4	7-14	7
15. «Сўғдиёна»	9	2	1	6	7-15	7
16. «Кимёгар»	8	2	1	5	6-14	7
17. «Андижон»	9	2	1	6	11-21	7
18. «Семурғ»	9	1	2	6	9-21	5

Жаҳон чемпионати: саралаш ўйинлари

ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ БОСҚИЧДА!

Энди кучсизлар бўлмайди

Ўртадаги қисқа танаффусни истисно қилганда, икки ҳафта давомида ишқибозларни ҳаяжонга солган бир неча қисмдан иборат футбол спектакли ниҳоясига етди. Томошабинлар «зал»ни тўлдиргунларига қадар ҳам бош ролни ўйнашга даъвогар жамоалар аниқланмай турган эса-да, ҳакамларнинг сеҳрли ҳуштаклари чалиниши билан ҳамма нарса жойига тушди — кимнинг кимлиги ва нималарга қодирлиги тезда аён бўлиб қолди.

Еттинчи гуруҳ ғолиблигига асосий номзодлар — Ўзбекистон ва Иордания жамоалари савиясига ҳам чамаси бир қадар жавоб олгандек бўлдик. Лекин мухлислар ўзлари кутган ўйинни иккинчи даврани Ўзбекистон—Туркманистон жамоалари баҳсида кўрдилар, десак асло муболаға эмас. Гарчанд 2:0 ҳисобида олдинда бораётган футболчиларимиз ҳимоядаги қўпол хатолар туфайли сал қолса ташаббусни бой бериб қўйгандек тасаввур уйғонган бўлса ҳам, мазкур учрашув барибир терма жамоамиз айни кунларда қитъада кучлилар қаторида тўп суришга муносиб эканлигини исботлади. Буни ҳисобдан ҳам билса бўлади — 5:2!

Сўзларимизга муболаға аралашмаганини туркманларнинг майдон эгалари — иорданияликларни мағлуб этганликлари яна бир карра тасдиқлагандек бўлди — 2:1. Қолаверса, қўшниларимиз ўз ғалабалари билан гўё бизга ҳам қарашиб юбордилар. Назарий жиҳатдан гуруҳ ғолиблигини қўлга киритиш имкониятлари юқори баҳоланаётган араблар ушбу мағлубиятдан сўнг тошқин кечувдан ўта олмасликларини эътироф этишдан ўзга илож тополмадилар. Чунки, бу учрашув ниҳоясига етган бир паллада Ўзбекистон ва Хитой Тайпейи ҳудудий жамоалари ўртасидаги баҳс кутилганидек мамлакатимиз футболчилари чизиб қўйган чизиқ бўйлаб охирлаб бораётган эди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди — 4:0.

Шундай қилиб, ғоят ҳаяжон ва бироз ҳадиксираш билан кутилаётган Ўзбекистон-Иордания терма жамоалари баҳси, таъбир жоиз бўлса, мутахассисларимиз томонидан ўзига хос ўқув-машғулот ўйини сифатида ҳам қаралгани бежиз эмас. Ҳар қалай гуруҳ ғолиблигини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоасига бундан буён осон бўлмайди. Эрон, Бахрайн, Саудия Арабистони, Ироқ, Катар каби қатор жамоаларга қарши тўп суришнинг масъулияти ҳам бўлакчадир.

Жаҳон футболи мутасаддиларининг Осиё қитъаси учун ажратилган йўлланмалари сони ва йўлланмаларга эришиш регламенти синчков мухлисларга яхши маълум. Қолган гуруҳлар ғолиблари ҳам аниқлангач, музаффар 10 жамоа яна икки гуруҳга бўлинган ҳолда ҳақиқий жангга киришади. Пешқадамлар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Гуруҳларда иккинчи ўринни олган жамоалар эса ўзаро баҳсда орани очди қилиб олгач, Европа қитъасининг йўлланмага даъвогар сўнгги командаси билан ўзаро учрашишга маҳкум этилганки, бу имконият даражасини ниҳоятда озайтириб юборади. Бинобарин, Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлари футболчиларимизни фақат гуруҳ ғолиблиги учун курашишга даъват этишлари лозим бўлади.

Нима бўлганда ҳам Тошкент ва Оммондаги баҳслар Ўзбекистон футболи юксалиш йўлига тушиб олганлигини кўрсатмоқда. Бу ёғи яна ўзимизга боғлиқ. Ҳар ҳолда бош тренер Владимир Сальковнинг омади чопди. У ўзи айтмоқчи, истиқболда узоқ 2006 йилни эмас, яқин келажак —2002 йилни кўзлаб футболчиларни тайёрлаш учун яхши имконият туғилди. Ахир, хайрли ишнинг илгарироқ бўлганига нима етсин!

З.РИХСИЕВ.

Касаба уюшма тадбирлари

«АЛПОМИШ» ЎЙИНГОҲИДА

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида катта спорт тадбири, яъни 1985-87 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида миллий кураш бўйича вилоят чемпионати ўтказилди.

Кураш майдонида 120 нафар ўсмир 38 килограмм вазндан 81 килограмм вазнгача гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзаро беллашди. Мусобақа якунига кўра 38 килограмм вазндаги полвонлар орасида Термиз шаҳридан Арслонбек Маҳмудов, Карим Ўринов, Узун туманидан А.Абдусаломов ғолиб бўлдилар. 50 килограммли полвонлар орасида шерободлик Шавкат Ҳимматов, бандихонлик Отабек Мардонов, термизлик Содиқ Тўрақуловларнинг қўли баланд келди. 60 килограмм вазнли полвонлар орасида термизлик Улуғбек Бегимқулов, жарқўрғонлик Илҳом Бобоқулов, ангорлик Баҳром Хушвақтовлар шоҳсупага кўтарилдилар. 76 килограммли полвонлар баҳсида термизлик ўсмирлар — Ботир Қобилов, Шуҳрат Юлдашев, Жаҳонгир Мелибоевлар барча рақибларини доғда қолдиришди. Ва, ниҳоят 81 килограммли полвонлар орасида жарқўрғонлик Саъдулло Жўраев, деновлик Мусурмон Холмуродовларга омад кулиб боқди.

Чемпионатда 42 нафар қизлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ангорлик Юлдуз Нормуродова ва Думёхон Чориевалар, жарқўрғонлик Шаҳноза Аҳмедова ва Умида Қулиева, шўрчилик Шарофат Бобониёзова, ангорлик Шарофат Ашурова ва Соҳибжамол Холиқова чемпионат ғолиблари бўлишди.

Ғолиб полвонларга вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6